

Ёшлар овози - 2022: туман босқичи ғолиблари аниқланди



Термиз тумани 13-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида ёшларнинг маданият ва санъат соҳасидаги катта танловларида бири бўлган «Ёшлар овози - 2022» кўрик танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик танловнинг туман босқичига етиб келган 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар 4 та йўналиш ва 3 ёш тоифасида ўзаро куч синашишди. Танлов якунларига кўра ҳар бир йўналиш ва ёш тоифасида ғолиблар аниқланиб, уларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари, диплом ва танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш йўлланмаси тантанали топширилди.

Ҳар йили ўтказиб келинаётган Ёшлар овози - “Bo‘zatov FEST” танлови санъат соҳасининг миллий, опера, эстрада ва бахшичилик йўналишларидаги ёш иқтидорларни кашф этишга хизмат қилади.